КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

2011 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 245—246 (12.056—12.057) Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Тинч ва осойишта, одамлари ҳаётидан рози юртга тантана ва байрамлар ярашади. Ватанимизнинг юраги – Мустақиллик майдонида Янги йилга бағишлаб ўтказилаётган арча байрами тантаналарида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.**



## БАЙРАМЛАР ЯРАШГАН МАМЛАКАТ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, барча соҳаларни жадал равнақ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишидек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Якунланаётган 2011 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида катта юксалиш даври бўлгани бунинг яна бир ёрқин далилидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган вақт мобайнида ҳаётга татбиқ этилган ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар, фармон ва қарорлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этди. Тадбиркорликни янада ривожлантириш, янгидан-янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватларини бунёд этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали унинг манфаатларини ҳимоялаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳаларни тубдан ислоҳ этишдаги эришилган улкан натижалар барчамизнинг кундалик ҳаётимизда, фаолиятимизда ўз аксини топмоқда. Президентимиз томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши оила, оналик ва болаликни муҳофазалашга доир ибратли ишларнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Янада кўркам, тантанавор, мафтункор ва байрамона қиёфа касб этган Мустақиллик майдонига ташриф буюрган ҳамюртларимизнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Улкан арча, эртак қаҳрамонлари, камалакранг чироқлар, турфа безаклар билан ясатилган ушбу муаззам маскан ҳамюртларимиз, хорижлик меҳмонлар, болалар билан гавжумлашган. Бахтиёр кичкинтойларнинг шодон кулгуси, дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, театрлаштирилган қизиқарли томошалар авжида. Қорбобо ва Қорқиз, қувноқ Насриддин афанди, айиқчаю қуёнчалар боланикнинг беғубор ва покиза хотираларини ёдга солади.

(Давоми 8-бетда)





## «ЎЗБЕКИСТОН ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЕТАКЧИЛАРДАН БИРИ БЎЛИШГА ҲАҚЛИДИР»

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» халқаро симпозиумидаги маърузаси юзасидан хорижий мамлакатларнинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва илмий доиралари вакиллари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.**

Жумладан, **Европа педиатрлари уюшмасининг вице-президенти, Европа педиатрлари илмий қўмитаси президенти Мануэл Мойя** қайд этганидек, симпозиумнинг биринчи йиғилиши доирасида соғлиқни сақлаш идоралари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг минтақавий офиси ҳамда ЮНИСЕФ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган «давра суҳбати» нафақат Ўзбекистондаги, балки мазкур халқаро тадбир қатнашчиси бўлган бошқа мамлакатларда ҳам соғлиқни сақлашни янада яхшилашга йўналтирилган муҳим масалалар муҳокама қилинди.

У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг оналик ва болаликни, мамлакат келажаги — ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш даражасини янада юксалтириш бўйича ташаббуслари билан яқиндан танишганидан мамнун бўлганлигини қайд этди.

**Харьков Тиббиёт академиясининг илмий-педагогик ва халқаро ишлар бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Владимир Карпенко** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида давлат томонидан соғлиқни сақлаш тизимига кўрсатилаётган ғамхўрлик, энг муҳими – унинг устувор йўналиши бўлмиш оналик ва болалик муҳофазасига муносабат аниқ-равшан ўз ифодасини топганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## 2011 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2012 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2011 йил 31 декабрь шанба дам олиш куни 2012 йил 2 январь душанба кунига кўчирилсин;

2011 йил 31 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 26 декабрь*

## МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ ВА ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

**Тошкентда 26 декабрь куни «Маҳалла» республика хайрия жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман жамғарманинг 2006-2011 йиллардаги фаолияти муҳокамаси ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган ҳамда мамлакатимизда 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан жамғарманинг истиқболдаги устувор вазифаларига бағишланди.**

Конференцияда жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Конференция очиқ деб эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

«Маҳалла» республика хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси А.Аҳмедов жамғарманинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти ва навбатдаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлат ва жамиятимизнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани таъкидланди. Халқимиз учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш, бунёдкорлик салоҳиятини ошириш, минг йиллик анъаналаримизни тиклаш ва янада ривожлантириш, миллий ўзликни англаш ҳамда фахр-ифтихор туйғусини мустаҳкамлашга қаратилгани мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидир. Ҳаётга татбиқ этилаётган туб ўзгаришлар самарасида фуқароларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда, халқимиз жамиятимизда амалга оширилаётган жараёнларнинг юксак аҳамиятини янада теран англаб етмоқда. Мамлакатимизнинг ўзи танлаган ривожланиш йўлида эришаётган муваффақиятлари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда бутун дунёда кенг эътироф этилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этишнинг ёрқин самарасидир.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев мустақиллик йилларида Президентимиз илгари сурган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалда рўёбга чиқарилганини таъкидлади. Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида муҳим функцияларининг бир қисмини жамоат ташкилотларига, шу жумладан фуқароларнинг ноёб ўзини ўзи бошқариш органи – маҳаллага босқичма-босқич ўтказилгани улкан вазифалардан бири бўлди. Ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган маҳалла институтининг фаолияти истиқлол йилларида янги, янада теран мазмун-моҳият касб этди.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ва бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**
- **Урганчда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органлари устидан назоратни амалга ошириш соҳасида Олий Мажлис юқори палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ўзаро ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган конференция ўтказилди.**
- **Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.**
- **Амударё туманида банкнинг 75 миллион сўмлик кредити ҳисобига «Бойовул пойабзали» корхонаси ташкил этилди. Ҳозир бу ерда 16 кишилик жамоа томонидан тайёрланаётган эркаклар оёқ кийимлари сифати ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.**
- **Пайариқ тумани марказида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида ҳududдаги 100 га яқин корхона ва ташкилотлар 126 та иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунида 64 нафар фуқарога ишга жойлашиши учун йўлланма берилди.**
- **Узун туманидаги «Узун Улуғшер» хусусий корхонаси томонидан банкнинг 60 миллион сўмлик молиявий кўмаги эвазига маиший хизмат кўрсатиш мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехи каби ўнлаб шохобчалар фаолият кўрсатаётир.**

### ЖАҲОНДА

- **Швецияда содир бўлган кучли тўфон оқибатида 170 минг аҳоли электр тармоғидан узилиб қолган. Жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.**
- **Россиянинг «Меридиан» номли сунъий йўлдоши коинотнинг белгиланган жойига етиб бормай самода парчаланиб кетган. Унинг бир бўлаги Новосибирскдаги кўп қаватли уйларнинг биридан топилган.**
- **Техасдаги миллиардерлардан ҳисобланган Аллен Стенфорднинг қамоқда ушлаб турилганлиги оқибатида унинг ақлий лаёқати йўқолганлиги сабабли судда иштирок эта олмаслигини маълум қилган ҳимоячиларининг важлари суд томонидан инобатга олинмади. Айбланувчи миллиардер инвесторларни 8 миллиард еврога алдагани учун қамоққа олинган эди.**
- **Жаҳоннинг турли мамлакатларида Янги йил байрами олдидан ҳар хил мусобақалар, томошалар ўтказилмоқда. Уларнинг орасида ғайритабиийлари ҳам бор. Жумладан, мингга яқин кишилар Қорбобо кийимларида Белград шаҳри маркази бўйлаб, бир километр масофага югуриш мусобақасини уюштирдилар. Ғолибларга кубоклар ва турли-туман ширинликлар топширилди. Қатнашчиларнинг асосий қисмини профессионал спортчилар ташкил этди.**

## Азиз юртдошлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

Сизларни яқинлашиб келаётган Янги — 2012 йил билан самимий қутлаймиз. Барчангизга соғлиқ-омонлик, хонадонларингизга тинчлик, тотувлик, дастурхонингизга тўкинлик, файзу барака тилаймиз.

«ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Кириб келаётган янги – 2012 йил – Мустаҳкам оила йили барчангизга муборак бўлсин. Ҳаётингиз фаровон, хонадонингиз чароғон бўлсин, азизлар.

2012 йилда дилга тугиб қўйган энг эзгу орзуларингизнинг ушалишига тилакдошмиз.

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни кириб келаётган **Янги 2012 йил –** Мустаҳкам оила йили билан самимий кутлаймиз.

2012

Хонадонингиздан доимо файзу барака аримасин.

«Lummy build service» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

## «7-АВТОКОРХОНА»

**очиқ акциядорлик жамияти жамоаси**



барча ватандошларимизни, пойтахт аҳли ва меҳмонларини ўзининг кутлуғ қадамлари билан кириб келаётган

## ЯНГИ — 2012 ЙИЛ БАЙРАМИ

ила чин қалбдан муборакбод этади.

*Гулгун чеҳраларингиздан табассум,*
*хонадонингиздан бахт-саодат аримасин.*
*Янги йилда муваффақиятларингиз ютуқларга*
*улансин, орзу-ниятларингиз амалга ошсин.*
*Йўлларингиз бехатар ва ойдин,*
*манзилингиз яқин бўлсин.*

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизни кириб келаётган
Янги йил байрами билан
самимий табриклаймиз.

*Юртимиз фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган барча бунёдкорлик ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз!*

«Тошкентпахтасаноат»
худудий акциядорлик жамияти жамоаси

# ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизларни кириб келаётган янги йил байрами

билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.

Ватанимизни юксалтириш, қудратини ошириш,

юртимизни янада обод этиш йўлидаги улуғвор

ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



**«ARCHIE PLUS FABI»**

**ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

## «2519-АВТОЖАМЛАНМА»

давлат корхонаси жамоаси

азиз ҳамшаҳарларимиз ҳамда

пойтахтимиз меҳмонларини кириб

келаётган 2012 йил айёми

билан самимий қутлайди.

*Ҳамиша яхши кайфият ҳамроҳингиз бўлиб,*
*дастурхонингиз тўкин,*
*бахтингиз бутун бўлсин!*
*Байрамингиз муборак, қадрдонлар!*

**«ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ БОШҚАРУВИ ЖАМОАСИ**

Мустақил Ватанимиз равнақи, фаровон ҳаётимиз, ёрқин истиқболимиз йўлида яратувчанлик иштиёқи билан меҳнат қилаётган

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ 2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

билан самимий муборакбод этади.

Нуроний отахону онахонлар, қалби қайноқ ёшлар, маҳалладошларга мустаҳкам соғлик, оилаларига тинчлик-тотувлик тилайди. Янги йилда омборларимиз донга, дастурхонимиз файзу баракага тўлиқ бўлсин!

**«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ОЛМАЗОР ТУМАН БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**

Азиз ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган янги 2012 йил — Мустаҳкам оила йили билан чин қалбдан қутлайди. Эл-юртимиз фаровонлиги, маҳаллаларимиз ободлиги, юртимиз тинчлиги йўлидаги барча эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат ёр бўлсин!

*Барча ҳамшаҳарларимизни яқинлашиб келаётган*

***янги 2012 йил***

*билан самимий муборакбод этамиз.*

***Мустаҳкам оила йилида юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишларингизда омад ёр бўлсин.***

Оилангизга бахт-саодат, рўзғорингизга қут-барака тилаймиз.



«Тошкент озиқ-овқат заҳираси» давлат корхонаси жамоаси




# ТАРБИЯ — МУҲИМ ОМИЛ

**Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодга берилаётган катта эътибор ҳар жабҳада кўзга ташланади. Спорт, илм-фан, маданият, санъат, қўшиқчи, барча соҳаларда ёшларнинг ўрни, аҳамияти кундан кунга ортиб бормоқда. Улар эришаётган катта-катта ютуқлар мамлакатимиз шаъни, довруғини дунёга таратмоқда.**

Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, яратиб берилаётган имконият ва шароитлардан муносиб фойдалана олмаётган ёшлар, меҳнат қилмай бойлик орттириш, енгил-елпи ҳаёт кечиришни ўзига касб қилиб олган ўғил-қизларнинг ҳам борлиги аччиқ ҳақиқат. Айрим ўсмирларнинг эътиборсизлик туфайли нотўғри йўлларга кириб қолаётгани, билиб-билмасдан «тиканни босаётганлиги» киши дилини оғритади. Турли қинғир йўллар билан кимнидир алдаб, бировнинг пешона тери билан топган пулига кўз олайтириб охир-оқибат гулдек умрини панжара орқасида ўтказаётганлар қилмиши кимгадир сабоқ бўлсин дея ушбу воқеани қоғозга туширдик.

Бугун Бобур Ҳакимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг боши қотди. Қаёққа боришини, кимдан қарз сўрашни ўйлаб ўйига етмади. Қандай қилса бирдан бойиб кетади, кайф-сафо дегандай. Қачонгача бир сўми икки сўм бўлмай ётади. Бир ёқда бола-чақа...

Кўчада минг бир хаёл билан кетаётган вақтида таниши Зафар Олимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг учраб қолиши кўнглини ёритиб юборди. Икки дўст, икки улфат мириқиб суҳбатлашишди, битта шишани эрмак қилиб тоза хумордан чиқишди. Шайтон суви ичилгандан сўнг белни оғритмай пул топишнинг, бирдан бойиб кетишнинг йўли ҳам топила қолди.

— Оғайни, – деди Зафар Бобурнинг елкасига қўл ташлаб, сиқилма, пул топиш муаммо эмас. Шундан сўнг ҳар хил режа тузиб, ниҳоят ўзлари учун энг осон йўлни танладилар. Икковлон бировнинг мол-мулкини босқинчилик йўли билан қўлга киритиш мақсадида жиноий тил бириктирдилар. Яъни Зафар севган қизи Қорақамиш 2/4 даҳасида яшаши, онаси ўғли билан бозорга кетганда унинг бир ўзи уйда қолиши, шоҳона яшашлари, камида 15 миллиондан кўп пуллари борлигини айтиб қолди. Шу уйни ўмариш режасини пишитишди. Икки-уч кун уй атрофида юриб, уй эгаларининг кетиш-келишларини кузатиб, қулай фурсатни кутдилар.

Ниҳоят улар кутган кун келди. Ўғил ва она бозорга кетганларини кўриб, арқон, қувур билан «қуролланиб», юзларига ниқоб кийиб мўлжаллаган хонадонларига дераза орқали кирдилар.

Во ажаб, тахминлари нотўғри чиқиб, залда учта аёл ётганлигини, коридорга чиқсалар бошқа хонадан 20 ёшлардаги йигит чиқиб келаётганини кўрдилар. Ундан ҳам қизиғи кейин, кўз очиб юмгунча содир бўлди. Хонадон бекаси ҳам уйда экан. Унинг бақир-чақиридан ҳамма уйғониб оёққа турди, ўғрилар эса шошиб қолганларидан бизни таниб қолишди, дея юзларидан ниқобни юлиб олишди.

— Қимирламаларинг, пулларни чиқарларинг, бўлмаса, — дея пичоқ ва темир қувур билан урмоқчи бўлгандек қўрқитишга уринди Зафар.

Шунда хонадон бекаси, «Илтимос, болаларимга тегманглар, сизларга ҳам ҳеч нима бўлмайди», — дея эшикни очиб, чиқиб кетишларига имкон яратди. Ширин хаёллар билан, эртага шу йигитга турмушга чиқишга аҳд қилган қизнинг эса Зафарни, яъни севгилисини бу аҳволда кўриб бошидан ҳуши учди. Табиий, бу вақтда унинг аҳволини тушуниш қийин бўлмаса керак. Зафар эса жон ҳолатда аёлдан кечирим сўрадию ўзини эшикка урди...

Жиноят жазосиз қолмайди. Ушбу босқинчилик иши жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судида кўрилар экан, кўрсатган қаршилиги оқибатида енгил тан жароҳати олган хонадон бекасининг, «Ахир Зафар, сен менинг уйимда устачилик қилдинг, нон-тузимни ичдинг. Наҳотки шунда ҳам ўйламасдан мана шундай қабиҳ ишга қўл урдинг», — дегани залда ўтирганларга қаттиқ таъсир қилди.

Халқимизда «Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер» деган ибратли нақл бор. Бу бежиз эмас. Бу сенга нон-туз тутган одамга, сен ҳам қўлингдан келганча яхшилик қил дегани.

Мана шу ибратли нақлга амал қилмаган кимсаларнинг иши судда ҳар тарафлама ўрганилиб, уларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисмининг «В» банди билан — босқинчилик, дея баҳоланди ва уларнинг иккаласига ҳам шу моддага асосан ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шу вақтда айни кучга тўлган бу йигитларнинг қора курсига ўтиришига ким сабабчи, дея ўйлаб қолади, киши. Аввало ўзлари, ўйламай босган ножўя қадамлари. «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан», «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» нақлини унутиб қўйганлари сабаб. Ота-она, маҳалла-кўйчи? Юқоридаги каби мисолларни афсуски кўплаб келтириб ўтиш мумкин. Ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга локайд қарамасак, маҳалла оқсоқоллари, кексаларимиз ўзларининг панд-насиҳатларини ёшлардан аямасалар, ота-оналар фарзандларининг нималар билан машғул эканлигидан бохабар бўлсалар бундай нохуш воқеалар юз бермасмиди?

Зеро, ёшларга эътибор — келажакка эътибор, маҳалламиз осойишталиги, юртимизнинг эртанги куни йўлидаги ғамхўрлик эканини унутмаслик керак.

**Комилжон ҒУЛОМОВ,**
**Олмазор тумани прокурори ўринбосари.**
**Шоира МУҲАМЕДОВА,**
**журналист**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: Чилонзор тумани СИБ томонидан 04.04.2010 йилдаги №10-1004/2243-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 59-А уйда жойлашган: 1. Майдони – 228 кв.м. бўлган маъмурий бино, блок «Г», бош. нархи – 69 319 000 сўм; 2. Майдони 9 кв.м. бўлган ҳожатхона, блок «М», металл дарвоза ва майдони 877,0 кв.м. бўлган ёндошган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи, бош. нархи – 98 915 349 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 20 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 20 январь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 10 февраль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!**

Тошкент шаҳар Хамза тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 14.12.2011 йилдаги 240(12.051)-сонида чоп этилган хабарнома билан «KO’CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Ҳамза тумани, Тузел 2-даҳа, 14-уй, 62-хонадон манзилда жойлашган, умумий майдони 84,01 кв.м, 4 хонадан иборат бўлган уй-жой аукцион савдоси вақтинча тўхтатилганини маълум қиламиз. **Асос:** Ҳамза туман СИБнинг 15.12.2011 йилдаги 22416-17/19-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-80-26. Лицензия: RR-0001.

**«KO’CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Аукцион савдоларига Олмазор туман СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) туман судининг 2010 йил 20 октябрдаги 1-630/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор М-17/18-даҳа, 27-уй, 11-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 69,66 кв.м бўлган, 3 та яшаш хонасидан иборат уй-жой.

**Бошланғич баҳоси – 91 249 000 сўм.**

**2.** Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 30 майдаги 1-2757/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-уй, 4-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 115,52 кв.м бўлган, 5 та яшаш хонасидан иборат уй-жой.

**Бошланғич баҳоси – 120 000 000 сўм.**

**Аукцион савдолари 2012 йил 27 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 25 январь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

1-Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 2004 йил 17 июнда Умаров Анвар Тишабаевич номига берилган 54580 рўйхат рақамли, 281395 сонли бакалавр диплому йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси — Марказий кўптармоқли поликлиника жамоаси физиотерапия бўлими мудири Эътибор Даминовна Амировага падари бузруквори

**Дамин Амирович АМИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шуғулланиш истагидаги тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

*Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.*

**Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

| | |
|---|---|
| «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси | тел.: 233-51-47 |
| «Тошавтобустранс» АК | тел.: 234-90-36 |
| «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 248-05-56 |
| «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ | тел.: 272-89-47, 272-68-52 |
| «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ | тел.: 290-70-17 |
| «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ | тел.: 263-38-80 |
| «5-такси саройи» МЧЖ | тел.: 280-60-54 |

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

Барчангизни кириб келаётган Янги – 2012 йил билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Янги йил хонадонингизга қут-барака, бахт-саодат, хуш кайфият ва фаровонлик олиб келсин. Юртимиз равнақи, халқимиз бахт ва саодати йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

«O`rikzor ixtisoslashgan bozori»
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

---

***МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!***

*Қалбларимизни қувончга тўлдириб кириб келаётган*

**ЯНГИ – 2012 ЙИЛ ШОДИЁНАСИ**

*билан сизларни чин дилдан табриклаймиз.*

*Мустаҳкам оила йилида қалбларингиздаги эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин. Хонадонларингизни тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, бахт-саодат тарк этмасин. Барчамизнинг ишларимиз бароридан келиб, янги-янги ютуқлар билан мамлакатимиз мустақиллиги мустаҳкамланишига муносиб ҳиссамизни қўшайлик. Йил бўйи байрам шукуҳи ҳамроҳингиз бўлсин!*

**«BEKTEMIR SPIRT»**
**ОАЖ ЖАМОАСИ**

---

***АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!***

**Сизларни ЯНГИ – 2012 ЙИЛ билан чин дилдан муборакбод этамиз!**

*Фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:*
*— газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;*
*— газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;*
*— агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизмати ёки «Тошкентшаҳаргаз» марказий авария-диспетчерлик хизматига — 04; 255-44-27, 255-44-29, 253-56-19, 253-56-31 телефон рақамлари орқали мурожаат қилинг.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.*

*Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш — газ ускуналари ва қувурларини мунтазам текшириб, созлаш ва таъмирлаш учун имконият яратади. Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин, ҳамиша хурсандчилик ва байрамона кайфият ҳамроҳингиз бўлсин!*

**«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» унитар корхонаси**
**«ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ» филиали маъмурияти**

---

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!** **2012**

**Янги — 2012 йил барчангизга муборак бўлсин!**

***Мустаҳкам оила йили ҳаммамизга бахт, қувонч, хуш кайфият олиб келсин.***

***Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, хонадонларимиз файзу баракага тўлиқ бўлишига тилакдошмиз.***

**ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР «ГУЛЯМОВ И.И.» ЖАМОАСИ**





ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧИ

# БАЙРАМЛАР ЯРАШГАН МАМЛАКАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу тантаналарни кўтаринки руҳда ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳиссаси айниқса катта.

Бу ерда барпо этилган катта саҳнада «Эртак қаҳрамонларининг Тошкентдаги саргузаштлари» театрлаштирилган махсус томоша кичкинтойлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Айни пайтда ранг-баранг мусиқий дастурларда Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг ансамбль ва хонандалари, театр ва цирк санъати усталари иштирок этмоқда. Савдо расталари ўйинчоқлар, ширинлик ва байрам совғалари билан тўла.

– Ушбу мусиқий томошалар учун бирлашмамиз таркибидаги барча ансамбллар катта тайёргарлик кўрди, – дейди Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси бош директори Исроилжон Ғуломов. – Дастурларда жонажон Ватанимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, истиқлол йилларида эришилган улкан марралар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этувчи ранг-баранг куй-қўшиқлар томошабинларга тақдим этилмоқда. Бош майдонимизда бўлиб ўтадиган тадбирларга «Карвон», «Сурхон» ансамбллари, дуторчилар, мақомчилар ижодий жамоалари, бошқа кўплаб мусиқий гуруҳлар жалб этилди. Бирлашма таркибидаги хонанда ва созандалар Тошкент шаҳрида, шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтадиган тантана ва концертларда фаол иштирок этади.

– Бундан икки йил аввал ҳам Тошкент шаҳрига келгандим, – дейди жиззахлик уй бекаси Муҳтарам Абдураҳмонова. – Жонажон Ватанимизнинг азим пойтахти таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Мустақиллик майдонида ўтказилаётган арча байрами тантаналарида невараларим дилдан яйради. Ўз ҳаётидан мамнун, хурсанд инсонларнинг очиқ ва самимий чеҳраси байрамга ўзгача руҳият бағишлаган. Бу муаззам масканда каттаю кичик мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Шу билан бирга, байрамни тинч ва осойишта, юксак ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш, болаларнинг хавфсиз дам олиши учун барча шароитлар яратилганининг гувоҳи бўлдик.

– Ўтиб бораётган 2011 йил мен учун жуда қувончли келди, – дейди Бухоро давлат университети 4-академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси Алишер Мухторов. – «Келажак овози – 2011» танловида ахборот технологиялари йўналиши бўйича ғолиб чиқдим. Ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ҳар қадамда яққол намоён бўлмоқда. Бугунги байрам тантаналарининг аксарият иштирокчилари ҳам ёшлар экани буни тасдиқлаб турибди.

Байрам тадбирлари 10 январгача ҳар куни соат 10.00 дан кечки соат 20.00 гача давом этади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги барча маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонларда ҳам Янги йил шодиёналарига бағишланган ярмаркалар, театрлаштирилган мусиқий томошалар ташкил этилмоқда. Бундай тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Ҳотами Тойидан сўрабдилар:**

**– Умрингда ўзингдан сахийроқ одамни кўрганмисан?**

**Ҳотам жавоб қилди:**

**– Ҳа, кўрганман. Кунлардан бир куни бир етимчанинг уйига кириб қолдим. Унинг ўн бош қўйи бор экан. Дарҳол улардан бирини сўйиб, пишириб олдимга қўйди. Ундан бир бўлаги менга маъқул бўлиб, кесиб едим ва: “Худо ҳаққи, кўп лаззатли экан”, – дедим.**

**Шундан кейин ўша йигит ташқарига чиқди ва қўйларини бирин-кетин сўйиб, менга маъқул бўлган ерини пишириб олдимга қўяверди. Унинг бор қўйини менинг учун сўйганидан хабарсиз эдим. Ташқарига чиқиб, отга минай деб турганимда қарасам, эшик олдида жуда кўп қон тўкилибди. Сабабини суриштирсам, хизматкорларимдан бири деди:**

**– Йигит сени деб барча қўйларини сўйди.**

**Йигитни койиб дедим:**

**– Нега бундай қилдинг?**

**Йигит тавозе билан жавоб қилди:**

**– Худога минг карра шукрким, менинг бирон нарсам сендек олий зотга маъқул бўлибди. Шундай ҳолда хасислик қилсам, нима деган одам бўлардим.**

**Кейин Ҳотами Тойидан сўрадилар.**

**– Бунинг эвазига сен ўша йигитга нима бердинг?**

**Ҳотам жавоб қилди:**

**– Уч юзта саман туя ва беш юзта қўй бердим.**

**Ҳотамга дедилар:**

**– Демак, сен ўша йигитдан сахийроқ экансан.**

**Ҳотам жавоб берди:**

**– Йўқ, сахийликда унга етолмадим, чунки мен беҳисоб бойлигимдан фақат бир қисминигина унга бердим, у бўлса, мендан борини аямади.**

* * *

**Ҳотамтой оламдан ўтгач, укаси унинг ўрнини босмоқчи, ишини давом эттирмоқчи бўлибди. Ҳотамтой гумбаз солдирган ва бу гумбазнинг етмишта дарчаси бўлган экан. Тиланчилар ҳар куни гумбаз атрофида тизилишиб, ҳар бири дарчага қўл чўзар ва Ҳотам уларнинг қўлига бирор нима бераркан.**

**Ҳотамтойнинг вафотидан сўнг укаси шу гумбаз ичига кириб ўтирмоқчи бўлибди. Онаси унга:**

**– Болам, бу ниятингдан қайт, сен икки дунёда ҳам Ҳотам бўлолмайсан, – деса ҳам қулоқ солмабди.**

**Шундан кейин она боласини синаб кўрмоқчи бўлибди. Эски кийим кийиб, гумбазнинг аввал биринчи, кейин иккинчи, сўнг учинчи дарчасига қўл чўзибди. Ҳотамнинг укаси қўлни таниб:**

**– Ҳой кампир, ҳозиргина қўл чўзган эдинг-ку, учинчи маротаба тиланчилик қиласанми? – деб уришиб берибди.**

**Шунда онаси ўзини танитиб:**

**– Болагинам, сенинг қўлингдан бу иш келмайди демаганмидим?! Бир кун акангни синаб кўриш мақсадида мен етмиш дарчага етмиш маротаба қўлимни чўзиб, хайр тилаганман ва аканг менинг қўлимни таниган бўлса ҳам бўш қайтармаган ва мулзам қилмаган эди.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

---

## Элга хизмат – олий ҳиммат

# БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИНЛИГИ — ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ

**Маълумки, пойтахтимиз бозорларида Тошкент шаҳри аҳолисига сифатли ва арзон нархларда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, нархларни мувофиқлаштириш мақсадида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Тошкент шаҳар деҳқон бозорлари янги йил байрамига алоҳида тайёргарлик кўриб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун «Элга хизмат» шўъба корхонаси орқали арзонлаштирилган сабзавот маҳсулотлари савдоси кенг йўлга қўйилди. Шунингдек, Янги йил байрами муносабати билан пойтахтимиз бозорларида «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси томонидан арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Унда уюшма тизимидаги йигирмадан зиёд ҳудудий база иштирок этмоқда.

Айни пайтда «Элга хизмат» шўъба корхоналари томонидан пойтахтнинг Авиасозлар, Аския, Бешёғоч, Миробод, Наврўз, Олой, Сергели, Фарҳод Эски жува, Юнусобод, Қўйлиқ ва Қорақамиш деҳқон бозорларида асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, сифатли картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч, тухум, гўшт маҳсулотлари савдоси асосан пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори»га республика ҳудудларидан бир кунда ўртача 30-40 та автомашиналарда 4 минг тоннадан ортиқ асосий турдаги мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, картошка, пиёз ва карам келтирилмоқда.

«Паррандасаноат» уюшмасига қарашли паррандачилик хўжаликлари томонидан шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари эҳтиёжи ҳисобга олиниб, бозорлар 150 сўмлик тухумлар билан мунтазам таъминлаб келинмоқда.

Бундан ташқари, «Porloq baraka ulgurji savdo» МЧЖ томонидан Тошкент шаҳри деҳқон бозорларида товуқ гўшти савдога чиқарилмоқда.

Тошкент шаҳридаги 12 та деҳқон бозорлари ҳудудларидан «Балиқчи» ОАЖ корхонасига тирик балиқ савдоси учун махсус жойлар ажратилди. Тирик балиқларнинг 6-8 минг сўм нархлардаги савдоси ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари Янги йил байрами муносабати билан пойтахтдаги барча







деҳқон бозорлари ҳудудларида байрам ярмарка савдоси ташкил этилди. Унда арзонлаштирилган нархларда озиқ-овқатлар, қишлоқ хўжалиги ҳамда қандолат маҳсулотлари, шунингдек, байрам столидан жой оладиган турли ичимликлар билан савдо қилинмоқда. Бу турдаги байрам савдосининг 2012 йилнинг 5 январигача давом этиши кўзда тутилган.

Шаҳар бозорларида ташкил этилган ярмаркаларда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги деҳқон бозорлари ҳудудида «Porloq baraka ulgurji savdo» корхонаси томонидан ўсимлик ёғи ва шакар, «Телист», «Sharf-shirin» ва «Sharf-union» МЧЖлари томонидан музлатилган балиқ, гречка ҳамда «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимидаги савдо ташкилотларига қарашли гуруч, товуқ гўшти, нўхат, сарёғ, ун, конфетлар ва печеньелар савдога чиқарилди.

Тошкент шаҳри бозорларидаги байрам олди савдоси билан яқиндан танишиш мақсадида, бозорларни бирма-бир айланиб чиқдик. Тўғрисини айтганда, бозорга кирган заҳоти тўкин-сочинликни, раста узра чиройли терилган турфа ноз-неъматларни кўриб кишининг дили яйрайди. Бозорларимизни юртимиз тўкинлигининг рамзи десак муболаға бўлмайди.

— Мен «Юнусобод деҳқон бозори» атрофида истиқомат қиламан, -дейди биз билан суҳбатда меҳнат фахрийси Сиддиқ ака Халилов. - Шу боис ушбу бозорга тез-тез чиқиб тураман. Бозоримиз шаҳримиздаги энг файзли бозорлардан бирига айланди. Қаранг, барча неъматларга тўла. Йўқ деган нарсанинг ўзи йўқ. Эртадан кечгача харидорларнинг кети узилмайди. Асосан «Элга хизмат» шохобчасидан арзон нархларда тухум, гўшт ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қиламан. Ҳозиргина 11 минг сўмлик сифатли мол гўштидан, 600 сўмлик картошкадан, 275 сўмлик тухумдан оиламга зарур миқдорда харид қилдим.

— «Фарҳод деҳқон бозори»даги «Элга хизмат» шўъба корхонаси томонидан янги йил байрами муносабати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, гўшт, парранда, балиқ, турли мевалар, ичимликлар савдосининг арзон нархларда ташкил этилгани мен каби харидорларга жуда қўл келди, - дейди Учтепа туманида истиқомат қилувчи фуқаро Людмила Москалёва. - Харид қилинган арзон маҳсулотлардан қувончим ичимга сиғмай кетяпти. Жаннатмакон юртда яшаётганимдан ниҳоятда мамнунман.

«Олой деҳқон бозори»да ҳам «Элга хизмат» шўъба корхонаси томонидан етказиб берилаётган сифатли ва арзон картошка, сабзи, пиёз, гўшт ва тухумларни ҳамшаҳарларимиз қониқиш билан харид қилишмоқда. Янги йил байрами муносабати билан ташкил этилган савдо ярмаркаси ҳам нур устига нур бўлди. Эл хизматида бўлганлар барака топишсин.

Азиз ҳамшаҳарлар, кириб келаётган Янги йил байрамингиз қутлуғ бўлсин. Дастурхонингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин. Бозорларимиз Сизга мунтазир!

---

# БОЛАЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Юртимизда Янги йил байрами шукуҳи кезиб юрган айни кунларда болаларга қувонч улашиш мақсадида турли тадбирлар ва дам олиш дастурлари ташкил этилмоқда.**

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда янги йил кечаси ташкил этилди.

Тадбирда «Ўзбекинвест» компанияси бош директори Ф.Саидаҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда миллати, дини ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, барча болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, пухта таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароит яратиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади.

Байрам тадбирида серфарзанд, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига байрам совғалари улашилди. Болалар учун турли ўйинлар ўтказилди.

**Сайёра ШОЕВА**

---

**Айни кунларда юртимиз бўйлаб тобора яқинлашиб келаётган Янги — 2012 йилни муносиб кутиб олишга катта тайёргарлик кетмоқда. Бу байрамни нафақат катталар, балки болажонлар ҳам сабрсизлик билан кутишмоқда. Корхона, ташкилот, ўқув юртлари, маҳалла ва хонадонларда Янги йилнинг эрка келинчаги – Арчалар безатилган, эртак қаҳрамонлари иштирокидаги томошалар бошланишига саноқли кунлар қолган.**

## Пиротехника воситаларига йўл йўқ

# МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Шундай шукуҳли кунларда давлатимиз томонидан байрамнинг кўнгилдагидек ўтиши, турли нохушликларнинг юз бермаслиги, Янги йилни барча шоду хуррамлик билан кутиб олиши йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Айниқса пиротехника воситаларининг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, болажонлар қўлига тушиб кутилмаганда ёнғин, турли нохушликлар содир этилиб, катта-кичикнинг азият чекмаслигига катта эътибор қаратилган.

Афсуски, шуларга қарамасдан айрим «енг» ичида иш олиб борадиган «тадбиркорлар» томонидан қонунга зид равишда ҳар хил пақилдоқлар, турли пиротехника воситалари сотилмоқда ва бу билиб-билмасдан фойдаланган болажонларнинг баъзан бир умр ногирон бўлиб қолиши, бетоб, кекса кишиларнинг қаттиқ қўрқиб кетиши ёки шовқиндан соғлиқлари ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

– Юртимизда 2012 йил – «Мустаҳкам оила йили»ни зафарли одимлар билан муносиб кутиб олишга тайёргарлик кетмоқда,– дейди бу ҳақда Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари подполковник Юлдуз Аширова. – Байрамнинг тинч-осуда ўтишида ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса пиротехника воситалари сотувининг олдини олишга қанча ҳаракат қилмайлик, лекин оз бўлсада бунинг учраб туриши кўнгилда безовталик уйғотади. Болалар – бизнинг келажагимиз. Улар қилаётган ишларининг катта асорат қолдиришини балки тушунмаслар, ўйинқароқлик қилиб унинг оқибатини ўйлаб кўрмаслар. Шунинг учун ҳам биз катталар масъулиятни ҳис этган ҳолда асло бепарво бўлмаслигимиз керак. Бу борада бошқармамиз томонидан аҳоли орасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўқувчи-ёшлар ва болажонларга видеотасвирлар орқали кўрсатилиб огоҳликка чақирилмоқда. Мақсадимиз айнан байрам кунида содир этилган кўнгилсизлик ва унинг оқибати умр бўйи пушаймонда бўлишга олиб келмасин.

Дарҳақиқат, байрам кўнгилдагидек ўтсин, арчалар, турли мушаклар, ёнар чироқларнинг техника хавфсизлигига мос ҳолда ўрнатилиши ва ёнишидан вақтида огоҳ бўлиб, фарзандларимиз соғлиғини асрабавайлаб, қувончига шерик бўлайлик.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

---

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **28 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, бироз ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Газетанинг навбатдаги сони 29 декабрда чиқади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2734 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1241

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 17.30 1 2 3 4 5